

Австралиялик олимларнинг кашфиёти



11:00 / 28.07.2020 7123

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга 14 аср аввал маълум бўлган Австралиялик олимларнинг кашфиёти

Кўпларимиз, жазирама ёз кунларида иссиқ таом солинган идишимизга ёки янгигина солинган мураббоимизга, кутилмаганда хонага учиб кирган пашша тушиб қолиши ҳолати билан тўқнашганмиз. Кўплар шунчаки бу тўймас ҳашаротни улоқтириб юборадилар, ўта инжиқ нозик табиатлилар эса, ўзларини наздида «бузилган» таомдан бутунлай воз кечадилар. Ҳақиқатда эса, бу ҳолатда нима қилиш керак деган саволга, ягона жавобни бизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам берган эдилар ва Австралиялик олимларнинг тадқиқот натижалари эса, «Ҳар қандай янгилик, яхшигина унутилган эскиликдир» деган ҳаммага маълум ҳақиқатни тасдиқлади холос.

Ҳозирда замонавий илм-фан томонидан 50 000 га яқин заҳарли ҳашаротлар борлиги аниқланган. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги хавfli кассаллик ва вирус ташувчи ҳисобланади. Сиднейдаги Макуэри номли Австралия университети олим-мутахассислари оддий хона пашшаларини текшириб, улардаги фанга аввал маълум бўлмаган, ўзлари ташийдиган касал қилувчи бактерияларга қарши, шартли «зидди заҳар»ни ишлаб чиқариш хусусияти борлигини аниқладилар. Шундай бўлса ҳам бу ҳақдаги маълумот мусулмонларга бундан деярли 1400 йил аввал маълум эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Агар пашша сизлардан бирортангизнинг ичимлигига тушиб қолса, уни дарҳол (шу ичимликка) ботирсин, кейин олиб ташласин, албатта, унинг бир қанотида касаллик, иккинчисида шифо бордир»**, дедилар.

Ибн Можа ва Насайларнинг ҳадис тўпламларида ҳам шу маънодаги ҳадислар бор.

Худди шундай хулосага келиш учун Австралиялик олимлар бизнинг давримизда кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришди. Тадқиқот объекти сифатида улар томонидан тўрт турдаги ҳашарот ўрганилди: **оддий чивин, уй пашшаси, хона пашшаси, папата москити**. Ҳашарот оламининг бу вакилларининг ҳар бири турли касал қилувчи микроорганизмлар ташувчиси ҳисобланади. Бироқ у микроорганизмларнинг энг кўп миқдори уй ва хона пашшасида борлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, турли хилдаги ижобий (яъни, инсонга ижобий таъсир этувчи) ҳамда салбий (турли касалликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган) замбуруғ ва бактериялар ажратилди. Бундан ташқари икки штамм (микробиологияда: вакцина ва сиворотка ишлаб чиқаришда қўлланиладиган микроорганизм) ва *Empusa muscae* номли, антибиотиклар ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган паразит замбуруғлар борлиги аниқланди.

Маълум бўлган ижобий бактериялардан бири *B. circulans* юқори ва паст ҳароратларга, кимёвий моддалар таъсирига ҳаттоки нурланишга чидамли эканлиги аниқланди. У эса пашшанинг ўнг қанотида жойлашган экан. Шундай қилиб, гарчи пашша иссиқ ёки совуқ таомга тушсада, фойдали бактериялар ўзларини ижобий хислатларини йўқотишмайди ва инсон учун

зарарли барча микроорганизмларни йўқ қилиш хусусиятига эга.

Бу инсон саломатлиги «соқчиси» учун энг «осон ўлжа», ҳар бир мактаб ўқувчисига биология курсларидан маълум бўлган *B. subtilis* (сенная палочка) ва *S. aureus* (стафилококк золотистый) микроблари экан. Бу микроблар эса маълумки, турли хил касалликлар келтириб чиқаради. Жумладан, кўз ва тери яғлиғланиши, марказий нерв системаси цистити ва ҳоказо.

Бундан ташқари истеъмол молларини тез айланишига сабаб бўлади.

Шу сабабли, мусулмонларга кўплаб фойдали маслаҳатлар берган пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дастурхонимизга «бехосдан келган» пашшани таом ёки ичимликка тўлиқ ботириш кераклигини таъкидлашларини ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Аниқланишича, ҳашарот танасида яшовчи микроорганизмларни шартли зидди захарни ишлаб чиқариши учун маълум озучавий муҳит бўлиши зарур. Бу ҳолатда, шундай муҳит вазифасини айнан пашша тушган таом ўйнайди.

Тажриба вақтида шу нарса қайд этилдики, касаллик келтирувчи бактерияларни йўқ қилувчи энг фаол моддалар, фақатгина суюқлик сўрилгандан кейин замбуруғ ҳужайралари тамонидан ишлаб чиқарилар экан. Шундан сўнг ҳужайра шишади ва ёрилади. Натижада унинг ичидаги моддалар чиқиб, зарарли микроорганизмлар йўқ бўлади. Ҳамда, аввалроқ ўтказилган тадқиқотларда олимлар томонидан пашшанинг асосан қорни ва панжаларида мавжуд бўлган кўплаб патологик бактериялар аниқланган эди. Бу бактериялар кўз, нафас йўллари, ошқозон ва таносил, тиф ва бошқа касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунга қарамасдан, ўшанда ҳам пашшани моддага тўлиқ ботиришдан кейин ижобий бактериялар замбуруғ микроорганизмлари билан бирга юқоридаги касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган микробларни, йўқ қила оладиган антибиотиклар ишлаб чиқариши қайд этилган эди.

Бу тадқиқот натижалари олимлар олдида мутлақо янги турдаги антибиотиклар ишлаб чиқариш истиқболларини очиб берди. Ахир олдинги антибиотиклар инсон организми уларга кўникиб қолиши оқибатида ўзларига қўйилган вазифани уддалай олмаяптилар. Биз оддий инсонларга эса кундалик ҳаётимизда, ҳадислар тўпламларига тез-тез қараб

туришимиз зарурлиги таъкидланади. Балки, шунда сизни қийнаётган саволга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фойдали маслаҳатларини топиб оларсиз.

***Islom.uz* портали таҳририяти**